

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг Фарғона вилояти минтақавий вакили Қудаш “Мурувват” ногиронлиги бўлган шахслар учун аёллар интернат уйида мониторинг ўтказди

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг Фарғона вилояти минтақавий вакили Алишер Камиллов Ўзбекистон туманидаги Қудаш ногиронлиги бўлган шахслар учун аёллар “Мурувват” интернат уйига мониторинг ташрифини ўтказди.

Мониторинг давомида ушбу масканда яшовчилар учун яратилган шароитлар, озиқ-овқат таъминоти, даволанаётган беморларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизмат аҳволи ўрганилди.

Маълум бўлишича, “Мурувват уйи”да жами 360 нафар бемор аёлларга меҳр-мурруват кўрсатилади. Мурувват уйида беморлар икки гуруҳга бўлинади ва 6 та бўлимда 60 нафардан, жами 360 нафар ногиронлиги бўлган беморлар яшаб, даволаниб келмоқда. Беморларга жами 195 нафар ходимлар, яъни 15 та врач, 54 та ҳамшира ва 126 та кичик ҳамшира (санитарка) лар хизмат кўрсатади.

Муассаса бўлим ва хоналари кўздан кечирилди. Даволанаётган беморлар билан оммавий ва яккама-якка учрашиб, суҳбатлар ўтказилди.



---

Шунингдек, мониторинг жараёнида яшовчиларнинг шахсига оид ҳужжатлари ҳам ўрганиб чиқилиб, баъзи беморларнинг айтиш ҳужжатлари билан боғлиқ камчиликлар мавжудлиги аниқланди. Шу боисдан, тегишли тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) томонидан мазкур яшовчиларнинг шахсига оид ҳужжатлари билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Ўзбекистон туман судига даъво ариза киритиш бўйича зарурий чора-тадбирлар белгиланди.

Яшовчилар “Мурувват уйи”да ходимлар томонидан уларга яхши муомалада бўлинадигани, овқатланиш ва яшаш шароитларидан ҳеч қандай эътироз йўқлигини билдиришди.



“Мурувват уйи”даги ошхона кўздан кечирилганда белгиланган таомномалар асосида беморларга таомлар тайёрланиб, озиқ-овқат маҳсулотлари тўлиқ ва таомномага мос равишда бериладиганлиги маълум бўлди.

Мониторинг ўрганишлари давомида аниқланган баъзи камчиликларни бартараф этиш бўйича мутасаддиларга тавсия ва кўрсатмалар берилди.

